

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

2А-МЖ-11 гуруҳ талабаси

Жалолиддинов Бурхониддин Сирожиддин ўғли

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ жойларида кичик бизнеснинг ривожланиши ва
бошқаришнинг истиқболли йўналишлари
(Норин тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

доц. О. Арипов

Наманган-2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	4
1-боб: Қишлоқ жойларида кичик бизнеснинг ривожланиши ва бошқарилишининг назарий асослари	7
1.1. Қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётда тутган ўрни	7
1.2. Модернизация шароитида қишлоқ жойларида мулкдорлар табақасини кенг ривожлантиришдаги шарт-шароитлар	9
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ва зарурияти	11
2-боб: Норин туманида кичик бизнеснинг ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари	15
2.1. Норин туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ва бошқарилиши	15
2.2. Норин туманида кичик бизнесни ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммолар таҳлили	19
2.3. Норин тумани қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	24
3-боб: Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқарилишининг истиқболли йўналишларини кенгайтириш йўллари	25
3.1. Қишлоқ жойларида хусусий бизнесни бошқариш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш	25
3.2. Қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш	28
3.3. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида кичик бизнес фаолиятини кучайтириш имкониятлари	30
Хулоса	33
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	35

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши миллий иқтисодиётимизнинг тараққиётини янада юксак даражаларга кўратмоқда. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик туфайли қишлоқ жойларида замонавий инфратузилма фаолиятининг тез ривожланиши, қишлоқ аҳолисининг янгича – бозор тизимига хос турмушини шакллантиришга имконият яратиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “...бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир¹.

Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали ривожлантириш ҳамда бошқариш масалалари бугунги кунда жаҳонда рўй бераётган глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бўлмоқда. Лекин қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни бошқариш ва тартибга солиш масалаларига доир изланишлар мустақилликнинг илк йилларидан бошланган. 1995-2015 йиллар оралигида хусусий секторни ривожлантириш учун 69 тадан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Сўнгги тўрт йил мобайнида тадбиркорликни кенг ривожлантириш мақсадида яна 11 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришда янада кенг қулайликлар яратилди.

Бироқ, қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар бор. “Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини ҳам унутмаслик даркор”². Бу эса қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга янада эътиборни жиддий қаратиш зарурлигини англатади.

Демак, қишлоқ жойларида «...тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир»³.

Кўриниб турибдики, давлат сиёсатида иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада ошириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилиш масалалари алоҳида ўрин олган.

Хусусан Норин туманида маҳаллий бошқарув тизимларида ишлаётган айрим маъмурий ходимларнинг бозор тизимига хос фикрлаш доираси торлиги ва ташаббуссизлиги, ушбу муҳим давлат вазифасига бўлган юзаки ёндашуви туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришга тўсиқ бўлаётган асосий омиллардандир. Ушбу битирув малакавий иш мавзуси ўзининг юқоридаги каби хос жиҳатлари билан долзарбдир.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришга оид муаммолар бозор иқтисодиёти тизими ривожланган мамлакатларда чуқур ўрганилган. Фарбнинг таниқли

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир

² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. –Т.: Ўзбекитсон, 2009. 41 бет.

иқтисодчи олимларидан ҳисобланган С.Брю, К.Макконнелл, кабиларнинг бу соҳадаги алоҳида хиссалари борлигини қайд этиб ўтиш зарур.

Россиялик иқтисодчи олимлардан Е.Анимица, М.Лапуста, Б.Пошкус, Н.Ротнер, Ю.Старостин, А.Селезнев ва бошқалар тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда фирмаларни тартибга солиш ва улар фаолиятида тадбиркорликнинг фундаментал-назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шунингдек, Ё.Абдуллаев, О.Арипов, Ю.Дадабоев, Т.Дадабоев, Б.Рахматуллаев, Ҳ.Рахмонов каби олимлар асарларида ёритилган.

Бироқ, Норин туманида бугунги модернизация жараёнлари билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариш борасидаги баъзи масалалар ҳали ҳам ўз ечимига эга эмас. Ўрганилаётган муаммонинг кенг қўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни бошқарилиши юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

- қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётда тутган ўрнини назарий асослаш;
- модернизация шароитида қишлоқ жойларида мулкдорлар табақасини кенг ривожлантиришдаги шарт-шароитларни ифода этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ва заруриятини белгилаш;
- Норин туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ва бошқарилишини тадқиқ этиш;
- Норин туманида кичик бизнесни ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммоларни аниқлаш ва белгилаш;
- Норин тумани қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ жойларида хусусий бизнесни бошқариш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш бўйича мулоҳазалар юритиш;
- қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш механизминини такомиллаштириш бўйича фикрлар билдириш;
- қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида кичик бизнес фаолиятини кучайтириш имкониятларини ёритиб бериш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Норин туманидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ жойларидаги бошқарилиш тизими танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатига оид асарлари; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Норин туман статистика бошқармаси, Норин туман савдо-саноат палатасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

- қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётда тутган ўрни назарий жиҳатдан асосланди;
- модернизация шароитида қишлоқ жойларида мулкдорлар табақасини кенг ривожлантиришдаги шарт-шароитлар ўз ифодасини топди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ва зарурияти белгиланди;

– Норин туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ва бошқарилиши тадқиқот асосида ўрганилди;

– Норин туманида кичик бизнесни ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммолар аниқланди ва ўрганилди;

– Норин тумани қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди;

– қишлоқ жойларида хусусий бизнесни бошқариш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш бўйича мулоҳазалар юритилди;

– қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилди;

– қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида кичик бизнес фаолиятини кучайтириш имкониятлари ёритиб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни бошқарилишининг истиқболли йўналиши бўйича бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган илмий-амалий ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси фаолиятини кучайтириш ҳамда туман ҳокимлигининг мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда;

– туман миқёсидаги барча коллеж ва бизнес мактабларида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;

– туман тадбиркор ва ишбилармонларининг иқтисодий тафаккурини оширишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи бобда «Қишлоқ жойларида кичик бизнеснинг ривожланиши ва бошқарилишининг назарий асослари» деб аталди. Ушбу бобда қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётда тутган ўрни белгилаб берилган. Модернизация шароитида қишлоқ жойларида мулкдорлар табақасини кенг ривожлантиришдаги шарт-шароитлар ўз ифодасини топган. Бу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ва зарурияти бўйича назарий ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Иккинчи бобда «Норин туманида кичик бизнеснинг ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари» деб номланди. Бу бобда Норин туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ва бошқарилишини таҳлили келтирилган. Мазкур туманда кичик бизнесни ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммолар тадқиқ этиш асосида ўрганилган. Энг муҳими Норин тумани қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида асосли мулоҳазалар юритилди.

Учинчи бобда «Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқарилишининг истиқболли йўналишларини кенгайтириш йўллари» деб юритилди. Унда қишлоқ жойларида хусусий бизнесни бошқариш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш, қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш бўйича фикрлар билдирилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида кичик бизнес фаолиятини кучайтириш имкониятлари бўйича ишланмалар яратилди.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишининг умумий натижалари ва битирувчининг бу мавзуга оид аниқ фикрлари асосидаги хулосаларига кўра таклифлар берилган.

1-боб: Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бошқаришнинг назарий асослари

1.1. Қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётда тутган ўрни

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон халқларининг энг қадимдан шуғулланиб келган асосий соҳалардан бири бўлиб, минг йилликлар давомида ривожланиб келмоқда. Республика ҳудудида аввало чорвачилик, кейинчалик деҳқончилик маданияти таркиб топди. Чорвачиликнинг асосан қўйчилик, қорамолчилик, йилкичилик, асаларичилик, туячилик ва ипакчилик, деҳқончиликнинг дончилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва пахтачилик тармоқлари яхши ривожланди. Қишлоқ хўжалиги Республикамиз ҳудудида яшайдиган халқларнинг асосий турмуш тарзига айланган. Унинг ривожини юртимиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ меҳнат қуроли ишлаб чиқаришнинг ўсишига сабаб бўлди. Натижада аста-секин бўлса-да, маданият, илм-фан, хунармандчилик ривож топди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қулай ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудида азалдан инсоният учун ниҳоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Чунки бу ҳудудда табиий-иқлим шароитлар етарлидир. Жумладан, Республикада йиллик самарали температура 25-35° ни ташкил этиб, куёшли соат 3000 дан ортиқ бўлиб, бир йилда бир неча марта ҳосил олиш имконини беради. Ўзбекистоннинг жами ер майдони 44,4 млн. гектар¹ бўлиб, шундан 50,8 фоизини турли хилдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, ташкилотлари ҳамда деҳқон хўжаликлари фойдаланадилар: уларнинг йиғиндиси мамлакат қишлоқ хўжалигини ташкил этади. Унинг асосий мақсади тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун:

- аҳоли бирданига истеъмол қиладиган сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини барча талабларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш;

- қайта ишлаш саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини қондириши лозим.

Ҳозирги даврда, бу тармоқда аҳоли истеъмол қиладиган товарларнинг 85 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқарилмоқда. Улар ўсимликчилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларидан иборатдир. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг 21,7 фоизи қишлоқ хўжалигида яратилган. Шу йилда барча саноат тармоқларида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 22,1 фоизи, қурилишда эса 6,4 фоизи яратилган. Рақамлар қишлоқ хўжалик тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни улкан эканлигидан далolat бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда республика иқтисодиётида банд бўлган меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қатнашган.

Лекин Республиканинг қишлоқларида жами аҳолининг учдан икки қисми яшайди. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар 25 млн. гектарга яқин қишлоқ хўжалик ерларидан олинган, шундан 369,1 минг гектари экинзор.

Мамлакат деҳқончилиги суғоришга асосланганлиги учун катта миқдордаги сув ресурсларини талаб этади. Лекин бу талаб ички сув ресурслари билан атиги 60 фоизгагина қондирилмоқда. Бундай ҳол Амударё ҳамда Сирдарё хавзаларидан катта миқдордаги сув ресурсларини жалб этишни талаб этади. Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигида 42-46 млрд. м. куб сув ресурсларидан фойдаланилмоқда. Табиатда ер ва сув ресурслари чекланган, улар такрор ишлаб чиқарилмайдиган ресурслар ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар бир гектаридан, м.кубдан тадбиркорлик билан фан-техника ютуқларини жорий этиб, йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кўплаб қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий воситалар, ёқилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар ва бошқа воситалардан фойдаланилмоқда. Масалан, тармоқда 2014

¹ Манба 1 январь 2015 йил ҳолатига тўғри.

йилда 78,9 мингга яқин турли хилдаги тракторлар, 22,7 мингтадан кўпроқ юк ташиш машиналари, 4,4 мингтага яқин ғалла йиғиштирадиган, бир мингтага яқин пахта терадиган камбайинлар, кўплаб бошқа техникалардан фойдаланилган. Тармоқ миқёсида ерларнинг унумдорлигини, экинларнинг эса ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 332,7 минг тонна минерал ўғитлардан фойдаланилган. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқиладиган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқарилиши натижасида Ўзбекистоннинг давлати ошиб бормоқда. Ҳозирги даврда А ва Е типдаги пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Покистон давлатларидан сўнг бешинчи ўринни, уларни экспорт қилиш бўйича эса 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Шунинг билан биргаликда Ўзбекистон жаҳон бозорига ниҳоятда сифатли бўлган қорақўл терисини, пилласини, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини олиб чиқиб сотмоқда. Республиканинг бу борадаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Уни ижобий ҳал этиш учун тармоқда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, жаҳон бозорига тайёр маҳсулотларни чиқариш лозим. Бу борада сўнгги йилларда чет эл инвестицияларини жалб этиб катта ишлар амалга оширилмоқда. Уларни келажакда жадал суръатлар билан ривожлантириш сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси йил сайин ортиб бормоқда. 2004 йилда республика аҳолисининг жон бошига 160 кг.га яқин ун маҳсулотлари, 135 кг. пахта хом ашёси, 127 кг сабзавот маҳсулотлари, 34 кг.дан кўпроқ картошка, 38 кг. гўшт, 164кг. сут ҳамда 72 донага яқин тухум ишлаб чиқарилган. Демак, мамлакатда аҳолининг унга бўлган талаби қондирилган. Келажакда унинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Лекин бошқа маҳсулот бўйича халқимизнинг медицина меъёрлари бўйича талаби тўлиқ қондирилганича йўқ. Бундай ҳол Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини янада жадал суръатлар билан ривожлантирилишини тақозо этади. Сўнгги ўн йилларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакат қишлоқ хўжалигида эркин бозор иқтисоди талабларига мос иқтисодий муносабатларни шакллантириш имкониятини берадиган, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар босқичма-босқич қатъий ишонч билан амалга оширилишини таъминлаб берадиган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Масалан, ер фуқароларга умурбод мерос қолдириш ҳуқуқи билан бепул берилмоқда, фермер хўжаликларига эса 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга фойдаланиш учун ижарага берилмоқда. Қишлоқда мулк ислоҳоти натижасида мулкдорлар синфи барқарор равишда шаклланиб, ривожланмоқда.

Барча пахта, ғалладан ташқари бошқа маҳсулотларни етиштириб, уларни сотишда эркинлик берилди. Тадбиркорларга ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун турли хилдаги имтиёзли кредитлар берилган. Лекин амалга оширилаётган тадбирлар ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган барча турдаги ислохотларни эркинлаштириш, уларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу келажакда қишлоқ хўжалигининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаб, унинг аҳамиятини ошириб, республика иқтисодиётининг юксалишини таъминлайди.

Мамлакатда олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ва иқтисодий аҳамият касб этган соҳа бўлиб, у қуйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатимизнинг озиқ-овқат фондиди шакллантиради;
- юртимизнинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлайди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат учун хом ашё етказиб беради;
- аҳолини иш жойлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларидан иборат. Ўсимликчилик тармоғида пахта, бошоқли экинлар (асосан

буғдой), картошка, сабзавот, полиз, тамаки, ем-хашак экинлари, ўсимлик ёғи берадиган экинлар (масхар, кунгабоқар), боғдорчилик ва узумчиликдан иборат. Чорвачиликда қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, куёнчилик, туячилик, чўчкачилик тармоқлари шаклланган ва ривожланган. Бундан ташқари республика қишлоқ хўжалигида пиллачилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳалари ҳам яхши ривожланиб келмоқда. 5,2 млн. бош қорамол, 8,3 млн. бош қўй ва эчкилар бор.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти улкан. Чунки унда республика ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмига, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97 фоизга яқини яратилмоқда. Давлат миқёсидаги жами валюта тушумининг яримидан ортиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига олинмоқда. Эндиликда қайта ишлаш саноатининг юксалиши, аҳоли сонининг ўсиши, ташқи бозор талабининг ўзгариши экологик талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш жараёнлари янада ривожлантирилишини объектив равишда тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам тармокни ривожлантириш ва самарадорлигини юксалтириш зарур.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси динамик ҳолда ривожланиб бораётган мураккаб иқтисодий тизимга эга бўлди. Қишлоқ хўжалиги Республика иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи сифатида сақланиб қолди.

1.2. Модернизация шароитида қишлоқ жойларида мулкдорлар табақасини кенг ривожлантиришдаги шарт-шароитлар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда¹ (2008 йил 5 декабрь) Президентимиз томонидан 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан сўзланган маърузада қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг бир қанча асосий йўналишлари белгилаб берилган эди. Шулардан бири – қишлоқда пайдо бўлаётган мулккий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш деб таъкидланган.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган турли хилдаги мулк ва мулкчилик шакллариининг, уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатларининг назарий, услубий асосларини теранлаштириш, такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллари асосланган ҳолда белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

2015 йил бошига келиб эса қишлоқ жойларида архитектуравий ўзгаришлар амалга оширилиб катта-катта қурилишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга қишлоқ инфратузилмасига жиддий эътибор берилмоқда.

Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислохотларни тобора чуқурлаштириш жараёнларида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариб боришда муайян ижобий тажрибага эга бўлдик. Бироқ,

¹ Мазкур йиғилиш 2008 йил 5 декабрда бўлиб ўтган.

тадбиркорликни қўллаш орқали кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўрсатувчи инфратузилма таркибини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими фирмаларни давлат томонидан тартибга солишни янада мукамаллаштириш зарур. Шу боис мамлакатимизда тадбиркорлар ва ишбилармонларни фаоллигини сусайтираётган айрим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни кўриб бориш биринчи даражали вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини яхшилашга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда “Ер кодекси”, “Фермер хўжаликлари” тўғрисида, “Дехқон хўжаликлари” тўғрисида, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги ва шу каби бошқа қонунлар ва фармонларнинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигини, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

1999-2007 йиллар мобайнида ҳукуматимиз қарорлари асосан, паст рентабелли ва истиқболсиз 2102 та ширкат хўжаликлари тугатилиб улар негизида жами 158738 та фермер хўжаликлари тузилди. Агар 1998 йилда мамлакатимиз бўйича жами 23 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, 2008 йил 1 октябрь ҳолатига кўра уларнинг сони 219976 тани ташкил этди. Республика бўйича 2008 йилда бошоқли доннинг 79,8 фоизи, пахта хомашёсининг 99,1 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. Республикада мавжуд фермер хўжаликларини оптималлаштириш тўғрисидаги ҳукумат қарори 2008 йил октябр-декабрь ойларида амалга оширилиши натижасида 2009 йил 1 январ ҳолатига кўра мамлакатимизда 105182 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва улар ихтиёрига берилган ер майдони 5,9 млн. гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимизда 2005-2008 йилларда ҳар йили ўртача 3,7 млн. тоннадан ортиқ пахта, 6,2 млн. тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олинди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар етарли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидаги субъектларни қамраб олади, уларнинг ривожланиши учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратади ва шу орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондира боради. Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимидаги мулкдорлар синфи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи мустақил фермер хўжаликлари, майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари истиқболли қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги сифатида шаклланимоқда.

Бугунги кунда республикаимизнинг кўпгина вилоятларида қишлоқ аҳолисининг улуши 70-80 фоизни ташкил этишини, бу кўрсаткич масалан, Қашқадарё вилоятида 74,4 %, Сурхондарё вилоятида 79,9 %, Жиззах вилоятида 68,9 %, Сирдарё вилоятида эса 68,6 %ни етганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида ва тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг деярли 40 фоизи қишлоқ хўжалигида банд эканлиги ҳам қишлоқда ўрта мулкдорлар қатламини шакллантириш муҳим эканлигидан далолат беради.

Ўрта мулкдорлар қатлами тўғрисида қадим замонларданок ҳар хил қарашлар мавжуд бўлган. Мазкур масала хусусида биринчилардан бўлиб фикр юритган қадимги грек файласуфи Аристотель: “Қайси жамиятда ўрта қатлам (элемент) салмоқли бўлса, ўша жамият фаровон бўлади”, - деган хулосага келган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида тараққий этган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикаимиз Президенти И.А. Каримовнинг “Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ”¹, – деб айтган фикрларидан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, мамлакатимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Асарлар, 3-жилд, -Т.: “Ўзбекистон”, 1996., 355-бет.

иҷтимоий тузилишининг асосини ўрта мулкдорлар табақаси ташкил этиши керак. Мазкур қатлам мамлакатда миллий бойлиқнинг асосий қисмини яратади. Жаҳон тажрибаси ўрта мулкдорлар қатламини жамият тараққиётида тутган ўрни юқори эканлигини кўрсатади. Ҳозирги тараққий этган давлатларда иҷтимоий, сиёсий-иқтисодий барқарорликнинг ва фуқаролар аҳиллигининг кафолати жамият аъзоларининг 50-60 фоизини ташкил этувчи ўрта табақа вакиллари эканлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг исботи бўла олади.

Шундай экан қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини бундан кейин ҳам ривожлантириш зарур. Чунки, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз кучи ва имкониятига суяниб ва таяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдорлар фермерлардир. Айни шу кишилар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг иҷтимоий асосини ташкил этади. Айнан шулар мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдордир. Улар республикамиз олдида турган ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш ишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштиришнинг устувор йўналишлари ва шу асосда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш асосида ўрта мулкдорлар табақасини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- фермер хўжалиқларини иқтисодий барқарор ривожлантириш;
- чорвачилиқни ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш;
- деҳқон хўжалиқларида томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш;
- касаначилиқни янада ривожлантириш;
- тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилишни тезлаштириш;
- мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш.

Ана шу тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ўрта мулкдорлар табақаси вужудга келиши, аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига, жамият аъзоларини жипслаштиришга, улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, миллий иқтисодиёт тараққиётини тезлаштиришга хизмат қилади.

1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ва зарурияти

Мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари бозор иқтисоди жараёнини тадқиқ қилар эканлар, тадбиркорлик ва бизнесни бозор иқтисодиёнининг ажралмас унсури деб қарайдилар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўзаро иқтисодий фаолиятларни ташкил этувчи субъектлар бўлиб, бу тушунчалар хусусий шахслар, корхона, ташкилотлар томонидан даромад олиш мақсадида ўзининг ва шартномадаги шерикларининг манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш, товар сотиб олиш ва сотиш ёки бошқа товарлар, хизматларга ёки пулга айирбошлаш каби эркин хўжалиқ юритиш фаолиятини билдиради, деб ҳисоблайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитларида «тадбиркорлик» ва «бизнес» тушунчалари жуда оммалашган. «Тадбиркор» ва «бизнесмен» каби тушунчалари орқали ишлаб чиқариш, даллолчилик, савдо, молиявий ва инновация фаолиятлари билан шуғулланувчи ва маълум миқдорда даромад олиш ниятидаги инсон ифодаланади. Кундалиқ амалиётида бу атамалар ўзаро яқин бўлиб, маъно ва мазмун жиҳатидан улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. Масалан, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар «бизнес – бу шахсий бойлик, фойда орттиришга қаратилган иш»¹ деб тушунтирадилар. Рус адабий тили луғатида эса

¹ Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.:

«бизнесмен» гўёки тадбиркор, ишчан киши деб таърифланади¹. Бундай инсонларнинг иш фаолияти тадбиркорлик ёки бизнес деб юритилади.

“Бизнес” тушунчасига нисбатан “тадбиркорлик” тушунчаси анча торроқ маънода қўланилиб бизнес таркибига кирадиган тушунча. Тадбиркорлик фаолияти бизнеснинг янгиликка чорлайдиган бир шакли сифатида намоён бўлади ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, «тадбиркорлик» ва «бизнес» каби атамалар иқтисодий фаолият соҳаларида кенг қўлланилсада, аслида уларнинг мазмуни бир хил эмас. Хусусан, «бизнес» атамаси «тадбиркорлик»дан анча кенг маънога эгадир². Фарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес – жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими, деб тушунтирилади. Хориж адабиётларида бизнес деганда манфаатдорликка интилиш деб ҳам тушунтирилади.

Бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотиқ каби тушунчалар ҳисобланади. Аммо бу тушунчалар ҳам илмий мулоҳазаларда торроқ маънода ишлатилади. Шунинг учун “бизнес” бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни камраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади. Умумий кўринишда бизнес – бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир.

Ўз ишни ташкил қилишда устувор сабаб бўлиб, инсон ўзининг жамиятдаги иқтисодий, моддий ва ижтимоий ҳолати (мавқеи)ни яхшилаш, ўзининг ва оиласининг ҳаёти фаровонлигини ошириш учун интилиши ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятига туртки бўладиган бошқа сабаблар қаторига шахснинг ўзини кўрсатишга, халқнинг молиявий ресурсларидан бир қисмини, қўшимча меҳнат ва бошқа ресурсларни хўжалик жараёнига жалб қилишга имкон борлиги, фуқароларнинг қонуний равишда ўз даромадларини оширишга, қўшимча даромад келтиручи фаолият тури билан астойдил шуғулланишга имкон борлиги, каби омилларни кўшиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунига асосан, тадбиркорлик – фуқароларнинг фойда ёки шахсий даромад олишга йўналтирилган мустақил, ташаббускор фаолияти бўлиб, у фуқаронинг ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги билан, ҳамда, ўзининг ёки юридик шахснинг (корхонанинг) мулкий жавобгарлиги асосида амалга оширилади³. Шундай қилиб, тадбиркор тўла ёки қисман моддий маблағига ёки молиявий ресурсларга эга бўлган ғайратли инсон бўлиб, у ушбу ресурсларни ўз ишини (бизнесини) ташкил қилиш учун ишга солади. Унинг томонидан бунёд этилган фирма (ташкилот, ширкат, корхона) давлатимиздаги тараққий этаётган кичик бизнеснинг бир қисмига айланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар деб ўзига тегишли алоҳида мулкка эга бўлган, ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларни ҳамда мажбуриятларни оладиган, судда, арбитражда ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотларга айтилади. Юридик шахснинг қуйидаги белгилари бўлади:

- ўз низомининг борлиги;
- юридик шахс бўлиб давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги тегишли ҳокимлик қарорининг мавжудлиги;
- ўзига тегишли мол-мулкнинг борлиги;
- банкда алоҳида ҳисоб рақамининг бўлиши;
- ўз белгиси туширилган дўмалоқ муҳри ва бурчак штампининг, зарур ҳолларда, тегишли иш қоғозлари ва фирма белгиларининг борлиги.

Меҳнат, 2000. 10 бет.

¹ Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М.: Русский язык, 1988. 142 стр.

² Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.: Меҳнат, 2000. 12 бет.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» Қонуни. –Т.: 1992.

Ўзларининг мулк шакллари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қуйидаги корхоналар иштирок этиши мумкин, буларга: хусусий, жамоа, қўшма, аралаш ва бошқа корхоналар киради.

Қонун ҳужжатларида баён этилишича Давлат томонидан тадбиркорларга қуйидагилар кафолатланади:

- фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, корхона бунёд этиш ва бунинг учун зарурий мулк сотиб олиш ҳуқуқлари;

- амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида барча тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятининг илмий-техникавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;

- тадбиркорлик хавф-хатари ва таваккалчилигини суғурта қилиш.

- тадбиркорлар билан шартнома тузилгандан сўнг улар фаолиятига шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, мулк эгасининг ва ҳар қандай учинчи шахснинг аралашishi маън этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият ва Республика олдидаги, ҳамда, ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг бошқарувчилари қуйидаги мажбуриятларни амалга оширадилар:

- амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш (агар зарурат туғилса) қонун асосида жамоа шартномасини тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларни ҳимоя қилиш учун қасаба уюшмаларига бирлашишлари тўсқинлик қилиш мумкин эмас;

- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, Республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

- давлат ижтимоий-суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини Республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф муҳит (экология) хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш;

- ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчи-хизматчилар билан ҳисоб-китоб қилиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш;

- мамлақат қонунларига биноан лицензияланиши (рухсат олиниши) кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олиш.

Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қуйидаги алоҳида хусусиятлари: ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўзининг мустақил мулк ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради.

Эътироф этиш керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини таъминловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Халқ хўжалиги тармоқларининг бозор муносабатларига ўтиши ва истеъмол бозорининг яратилиши. Бу манфаат ва талаб доирасини кенгайтиради ва фақат оммавий талабдаги товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни яратиб қолмай, балки индивидуал талаб

бўлган нарсаларга эҳтиёжни ҳам туғдиради. Бундай талаб ва эҳтиёжларни тез ва сифатли қилиб фақат кичик корхоналаргина қондира олади;

2. Тадбиркорларнинг мулки, ҳуқуқи ва иқтисодий манфаатларининг ҳимояланишига ҳуқуқий ва давлат таркибидаги идоралар қафолатининг мавжудлиги;

3. Ишбилармонликнинг давлат томонидан солиқ, молиявий кредит ва амортизация сиёсати орқали муносиб қўллаб-қувватланиши;

4. Давлат ва муниципал (махаллий ўз-ўзини бошқариш) корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кичик фирмаларни бунёд этиш;

5. Камдаромад, паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг банкротлик (инқироз)га учрашининг аниқлиги ва улар асосида хусусий кичик корхоналар ташкил қилиш;

6. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор ҳолати (бу хорижий капитални жалб қилишда кўмаклашади);

7. Жамиятнинг тадбиркорлик тўғрисидаги ижобий мурувватли фикри;

8. Ишбилармонликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш;

9. Бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг (турли инновацион марказлар, банклар, биржалар, суғурта компаниялари, реклама агентликлари ва бошқалар) тезкорлик билан тараққий топиши.

Ишбилармонларни кўзгатувчи куч даромад олиш иштиёқи бўлиб, бу даромад уларга ишбилармонлик фирмаларини тараққий топтириш ва ўз ишини кенгайтириш, ҳамда унда ишловчиларни моддий рағбатлантириш учун керак бўлади. Аммо хорижий тажрибаларга кўра бу асосий сабаб ҳисобланмайди, балки, тадбиркорнинг даромад олмасдан, бошлаган ишини давом эттира олмаслиги ва корхонанинг ўзидан-ўзи тараққий топмаслиги аввалдан кўзда тутиладиган шарт.

Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш мақсадида давлат ахборот, маслаҳат, илмий-тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳасининг ривожланишига ёрдам беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ва кичик корхоналар йирик товар ишлаб чиқарувчилар билан давлатнинг махсус мададсиз рақобатчи бўлолмайдилар. Кичик корхоналарни ва тадбиркорлик субъектларини иқтисодий фаолиятида давлат доимо муҳим рол ўйнайди.

2-боб: Норин туманида кичик бизнеснинг ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари

2.1. Норин туманида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши ва бошқарилиши

Норин тумани иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқарилишига алоҳида эътибор берилади. Туман ҳокимлиги, солиқ идоралари, тумандаги банк тизими таъсирида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб бормоқда. Норин тумани савдо-саноат палатаси томонидан кичик бизнес субъектларини ривожланиши ва бошқарилишига катта шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес қуйидаги алоҳида хусусиятлари: ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради.

Бугунги кунда (2014 йилда) Норин туманида жами 525 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 498 таси, яъни 94,8% фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга 27 таси фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларидир. Шундай қилиб фаолият олиб бормаган кичик бизнес субъектлари 5,1%ни ташкил қилади. Ҳисобот даврида тугатилган кичик бизнес субъектлари 31 тани ташкил этса, худди шу даврда ишга тушурилган кичик бизнес субъектлари 90 тани ташкил этади.

2.1.1-жадвал

Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 2014 йил ҳолатига кўра маълумот¹

Шаҳар ва туманлар номи	Кичик бизнес субъектлари ҳақида маълумот (фермер хўжаликларисиз)										Кичик бизнес субъектлари ҳисобига барпо этилган ишчи ўрни, жой
	Жами кичик бизнес субъектлари, бирлик	шу жумладан,		шундан		Экспорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2013 йилга нисбатан % ҳисобида	Ишлаётган ходимлар сони, (минг киши)	
		Фаолият кўрсатаётгани, бирлик	Фаолият кўрсатмаётгани, бирлик	Ҳисобот даврида ишга тушурилгани	Ҳисобот даврида тугatilгани						
Норин	525	498	27	90	31	438,9	185,3	619,6	106,7	41,9	1970
Вилоят бўйича	15122	13080	2042	1497	882	56051,7	115,6	90115,3	104,4	728,4	25426
Вилоятга нисбатан, %да	3,5	3,8	1,3	6,0	3,5	0,8	-	0,7	-	5,7	7,7

¹ Жадвал муаллиф томонидан Норин тумани ҳокимлиги томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2014 йилда кичик бизнес субъектлари ҳисобига 1970 та янги иш ўринлари барпо этилди. Ҳозирги кунда кичик бизнес корхоналарида туман бўйича ҳисобга олганда 41,9 минг киши иш билан банд бўлиб, ўз меҳнатларини бажариб келмоқдалар. Туман миқёсида кичик бизнес субъектлари томонидан 619 минг АҚШ доллари миқдорида импорт амаллари бажарилган бўлиб, бу 2013 йилга нисбатан олганда 106,7%ни ташкил этади.

Маълумки, 2014 йилда мамлакатимизнинг жуда кўп корхоналари ўз маҳсулотларини экспортда йўналтира олди. Шу боис Норин туманида ҳам бундай кичик корхоналар ва микрофирмалар пайдо бўлиб, улар орқали туман бўйича ҳисобга олганда 438,9 минг АҚШ долларлик ҳажмда экспорт амаллари бажарилди. Бу кўрсаткични 2013 йилдаги худди шундай кўрсаткичга нисбатан солиштирилганда ўсиш суръати 185,3%ни ташкил этди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Норин туманида барча иқтисодий кўрсаткичлар орасида ўсиш суръати юксак бўлгани экспорт муносабатларига тааллуқлидир. Туман миқёсида экспортга эътибор берилиши бу жуда ижобий ҳолатдир. Чунки Норин тумани тадбиркорларининг стратегик нуқтаи назардан танлаган йўллари ташқи бозорни эгаллашдир. агар ташқи бозорни эгаллашга имконият яратилса, у ҳолда туман миқёсида, унинг иқтисодий жамғармасида хорижий валюталар ҳажми ўсиб боришига эришилади.

Дадил айтишимиз мумкинки, Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш масалаларида кичик бизнес субъектларига катта имкониятларни яратиб бориш тенденцияси сақланиб борапти. Туман солиқ идораларида тадбиркорларга катта имтиёзлар берилган. Улардан кичик бизнес субъектлари жуда унумли фойдаланишга ўтишган. Бу ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб фаолият олиб бораётганликларидан далолат беради.

Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришда маҳаллий бошқарув идораларининг роли катта. Чунки барча соҳада бўлгани каби, кичик бизнес субъектларини бошқариш ва тартибга солишда ҳам давлат бош ислохотчилик фаолиятини олиб боради.

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага тааллуқли қонунлар яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”, “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш”, “Корхоналар тўғрисида”, “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш” тўғрисидаги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Жумладан, “Тадбиркорлик тўғрисидаги” қонунда бу фаолият билан, айрим категориядаги шахслардан ташқари барча жисмоний ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин, дейилган. Давлат идоралари ва бошқарув муассасаларида ишловчилар, шунингдек, прокуратура ва суд маҳкамалари ходимларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши маън этилган. Шунингдек, қонунда корхона раҳбари (ёки иш бошқарувчилари – менежерлар) томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик, у мулкни бошқариш соҳасида мулк эгаси билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва тадбиркорлар учун белгиланган жавобгарликни ўз бўйнига олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Фикримизча, Норин тумани иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолияти мавжуд. Туманда айниқса савдо ва умумий овқатланиш тармоғида кичик бизнес субъектлари миқдоран кўп бўлиб, улар ушбу соҳада жами бўлиб, 179 тани ташкил этади. уларнинг 16 таси кичик корхоналар бўлса, 163 таси микрофирмалардир.

Туманда саноатнинг ўзига хос ривожланганлиги саноат тармоғидаги модернизация жараёнларини амалга ошириб борилаётганлигидан билиб олса бўлади. Бугунги кунда Норин тумани саноат тармоғида жами бўлиб 83 та кичик бизнес субъектлари ўз

фаолиятини олиб бормоқдалар. Улар ўз фаолиятлари орқали турли истеъмол молларини яратиб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар.

2.1.2-жадвал

Норин туманида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар сони¹

2015 йил 1 январ ҳолатига

	Жами	шундан				2014 йил январ-декабр	
		Йирик		кичик	микро- фирма	ташкил топди	туга- тилди
		рўйхатдан ўтгани	фаолият кўрсатаёт- гани				
Жами	726	201	196	80	445	90	33
<i>Тармоқлар</i>							
Саноат	85	2	2	5	78	15	4
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	88	11	10	8	69	9	5
Транспорт ва алоқа	20			3	17	4	
Қурилиш	58			4	54	17	3
Савдо ва умумий овқатланиш	180	1	1	16	163	28	13
Бошқа соҳаларда	295	187	183	44	64	17	8

Маълумки, мустақилликнинг илк давларида бир қатор зарур озиқ-овқат маҳсулотлари хусусан, ғалла, қанд, шакар, қурилган сут, истеъмол спирти, шунингдек, саноат молларининг бир қанча турлари ва айниқса маданий маиший ашёлар четдан келтирилар эди. Эндиликда бу каби истеъмол молларини ишлаб чиқариш мамлакатимизнинг ўзида амалга оширилиб аҳолини турли истеъмол моллари билан таъминлаш имконияти кенгайтирилди. Бу борада албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида аҳамиятли томони бор.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш жуда тез йўлга қўйилди ва жуда тез натижаларга эришилди. Хусусан, норин туманида ҳам истеъмол молларини ишлаб чиқаришда катта салоҳиятли ишлар амалга оширилди.

Миллий бойликнинг кўпайтириш имкони ишлаб чиқариш структураси (таркиб) га боғлиқ. Агар ишлаб чиқаришда узоқ муддат хизмат қилувчи истеъмол моллари кўп яратилса, уларнинг бойликка айланиш имкони шунчалик кўп бўлади.

"Биз ҳаммамиз битта ҳақиқатни аниқлаб олишимиз лозим - халқ истеъмол моллари ва бошқа ҳаётининг муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлмаганларга кредит берилиши пул кадрсизланиши жараёнини кучайтиради, миллий валюта барқарорлигига путур етказди. Шу сабабли муомалага чиқарилган ҳар бир сўм

¹ Жадвал муаллиф томонидан Норин тумани статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

тегишли товар билан қопланган бўлиши керак"¹ - деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

Норин туманида аҳолининг турмуш шароитида яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолига истеъмол моллари етказиб бериш имкониятлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг кўпайиб бориши билан кенгаймоқда. Бугунги кунда Норин туманида турли мулкчилик асосидаги корхоналар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улар томонидан турли хил истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб аҳолига етказилмоқда. Жумладан, энг ижобий кўрсаткич йирик корхоналарга тўғри келмоқда. Норин туманидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилган истеъмол ҳажмлари 2012 йилда 11,5 млн. сўмни ташкил этган. 2013 йилда эса худди шу кўрсаткич 90,5 млн. сўмни ташкил этган. Бу ерда жуда катта ўзгариш рўй берганлигини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда 2013 йилда аввалги йилдаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш деярли 7,8 баробарга ошган. 2014 йилга келиб йирик корхоналар томонидан истеъмол моллари ишлаб чиқариш 182,2 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2013 йилга солиштирилганда 2 баробарга кўп эканлигини келтирилган жадвал маълумотларидан билиб олиш мумкин.

2.2. Норин туманида кичик бизнесни ривожланиши ва бошқарилишидаги муаммолар таҳлили

Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариб боришда ютуқларимиз билан бир қаторда муаммолар ҳам шаклланганлигини инкор этмаймиз. Хусусан, бундан аввалги параграфда келтирилган 2.1.1-жадвалга яна бир бор эътибор қаратишни лозим топдик.

Бироқ, эндиликда вилоят кўрсаткичлари билан Норин туманининг иқтисодий кўрсаткичларини солиштириб таҳлилларимизни давом эттирамиз. Масалан, туманда жами ташкил топган кичик бизнес субъектлари вилоятга солиштирилганда атиги 3,5%ни ташкил қилади. Энг эътиборлиси, Норин туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари вилоят миқёсидаги худди шу ҳолатга солиштирилганда 3,8%ни ташкил этади.

Норин туманида кичик бизнес субъектлари экспорт амалларини ўта ижобий бажаришган. Бу жуда қувонарли ҳолат. Аммо масаланинг иккинчи томонида шундай вазият шаклланганки, туман миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариш соҳасида ҳали кўп чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Гап шундаки, Норин туманида кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт амаллари вилоят кўрсаткичига нисбатан олганда 0,8%ни ташкил этади.

Туманда кичик бизнес субъектлари фаолияти натижасида барпо бўлган янги иш ўринлари вилоят кўрсаткичи билан солиштирилганда 7,7%ни ташкил этади. Ҳозирги кунда туманда меҳнат ресурслари 91,0 минг нафарни ташкил этади. Бу дегани туман жами аҳолисининг 61,1% меҳнат ресурсларидир. Тумандаги иқтисодий фаол аҳоли 55,7 минг кишини ташкил этса, иш билан банд бўлган аҳолининг ўртача сони 52,8 минг кишига тенгдир. Агар аҳоли таркибидаги меҳнат ресурсларининг тез ўсиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва бошқаришни шарт-шароит яратиш нуктаи назаридан ташкиллаштириш жуда муҳим вазифага айланади.

Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ва бошқаришдаги муаммолардан яна бири шуки, истеъмол муллари ишлаб чиқаришда айнан шу сектор корхоналари суст бўлмоқда. Аслида истеъмол молларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес фаолияти устувор бўлиши керак.

¹ Талабаев Х.ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. (маърузалар матни) НамМПИ, 2007. 239 бет.

Норин туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари 2013 йилга нисбатан олганда камайган. Масалан, 2014 йилда кичик корхоналар томонидан истеъмол моллари ишлаб чиқариш 26534,2 млн. сўмни ташкил этиб, 2013 йилдагига нисбатан олганда 3779,2 млн. сўмга камайган. Бироқ, 2013 йилдаги худди шу кўрсаткични 2012 йилга нисбатан солиштирганда ўсиш борлигини кўриш мумкин. Бунда 2013 йилдаги ҳолатда 9188,1 млн. сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайган. агар 2014 йилдаги ҳолатни 2013 йилга нисбатан оладиган бўлсак, бу 87,5%ни ташкил этганлигини тегишли жадвалдан кўриш қийин эмас.

2.1.1-жадвал

Норин туманида турли корхоналарда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмлари таҳлили

Корхоналар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	млн. сўмда
				2014 йилда 2013 йилга нисбатан, %да
Йирик корхоналар	11,5	90,5	182,2	201,2
Кичик корхоналар	21125,3	30313,4	26534,2	87,5
Микрофирмалар	2262,1	1798,0	1650,0	91,8
Ёрдамчи саноат корхоналари	457,5	555,8	589,6	106,1
Якка тартибдаги меҳнат фаолияти	2951,1	3116,4	5972,5	191,7
Уй хўжалиги	1857,4	2980,7	4058,2	136,1

Норин туманида кичик бизнес субъектлари қаторида микрофирмалар ҳам фаолият кўрсатиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол моллари ҳажми 2012 йилда 2262,1 млн. сўмни ташкил этди. Худди шу кўрсаткич 2013 йилда 1798,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу эса 2012 йилдаги ҳолатдан 464,1 млн. сўмга кам эканлигини кўрсатмоқда. Микрофирмаларда истеъмол молларини ишлаб чиқариш камайганлигининг сабаби узлуксизликни таъминланмаганлиги. Йирик корхоналарда бунга жуда қаттиқ эътибор берилади. Бундай корхоналарда асосан мутахассислар билан иш олиб борилади. Микрофирмаларда эса мутахассис кадрлар етарли эмас. Бундан ташқари микрофирмаларда бир неча иш жараёнларини бир неча кишигина бошқара олади.

2014 йилга келиб микрофирмаларда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми яна камайди ва 1650,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилга нисбатан олганда 91,8 %ни ташкил этади. Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, микрофирмаларда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга камайиш тенденциясини олган.

Норин туманида ёрдамчи саноат корхоналари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Агар 2012 йилда ёрдамчи саноат корхоналари томонидан истеъмол моллари ишлаб чиқариш 457,5 млн. сўмлик миқдорда ташкил этилган бўлса, 2013 йилда худди шу

кўрсаткич 555,8 млн. сўмни, 2014 йилда эса 589,6 млн. сўмни ташкил этган. Норин туманида ёрдамчи саноат корхоналари томонидан истеъмол молларини ишлаб чиқариш 2014 йилда 106,1 %га ўсди.

Юқоридаги фикрларимиздан кўриниб турибдики, Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бошқа туманларга кўра кўпроқ даражада орттирилган ижобий тажриба мавжуд бўлса-да, аммо туман миқёсида, бу соҳани янада такомиллаштириш борасида кўп ишларни амалга ошириш вазифа қилиб белгилаб олиниши даркор. Чунки туман ишбилармонлари ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар.

Хусусан, туманнинг маъмурий бошқарув органларида ишлаётган айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли ушбу секторни ривожланишига фаол ёндашувга асосланilmаяпти. Бу эса республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услугларини жорий этишга олиб келмаяпти»¹.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истикболий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг суёт фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли тадбиркорлик фаолиятига асосланган корхоналарнинг банкротга учраши ҳоллари рўй бермоқда.

2.2.1-чизма

Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир этувчи омиллар¹



¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // Turkiston. 17 феврал. 2001. №13-14. (144).

¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, кичик ва хусусий корхоналар субъектлари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар (2.2.1-чизмага қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

2.3. Норин тумани қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Норин тумани Наманган вилоятини Андижон вилояти билан боғлайдиган туман ҳудуди ҳисобланади. Норин туманида қишлоқ хўжалиги ҳар томонлама ривожланган. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли Норин туманинг ижтимоий-иқтисодий қиёфаси билан бирга, архитектура кўринишидаги ҳолати ҳам ўзгарган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади соҳани барқарор ривожлантиришга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мумкин. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг таъсир кўлами анча кенг бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади, уларни ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан туриб, ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаб бўлмайди. Йиллар тажрибаси шуни кўрсатади-ки, қишлоқ хўжалигидаги асосий масалалар ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, бу муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши соҳани янада барқарор ривожланишига олиб келади.



1-чизма. Норин туманида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар гуруҳи¹

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни устувор йўналиш қилиб белгиланишининг омили сифатида соҳанинг Норин тумани иқтисодиётидаги асосий ролини кўрсатиш мумкин. Қолаверса, Норин тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг географик жойлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бу иқтисодий фаолият натижаларини, асосий қисми қишлоқ жойларида истикомат қиладиган туман аҳолиси ўртасида тақсимлашда асосий вазифани бажаради. Бундан ташқари, қулай агроиклим шароитлари вилоятда пахта, дон, мева-сабзавот етиштириш ва йилига 2 марта ҳосил олиш имкониятини бериши мумкин. Норин тумани аҳолиси даромадларининг асосий манбаи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ, шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигининг мавжуд имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш аҳоли даромадларини ошириш, бандликни таъминлаш ва ишсизликни камайтириш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни ечишда долзарб аҳамият касб этади. Норин тумани қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларига кўра, жуда катта миқдордаги маблағ талаб қилмайди, шунинг учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг зарур чора-тадбирлари ва шарт-шароитлари кўриладиган бўлса, даромадлилик ва самарадорликнинг ўсишини кузатиш мумкин.

Ҳозирги модернизация жараёнлари амалга оширилаётган даврда Норин тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Фермер хўжаликларини янада кенгайтириш ҳамда уларнинг мақомини мустаҳкамлаш. Фермер хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ жойларида илгари яхши ривожланмаган хизмат турларига бўлган талабни юзага келтиради. Бу эса таклифни вужудга келтириб, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларининг янада ривожланишига олиб келади. Бунинг учун:

- фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш;
- уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- бозор ва бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш;
- ички ва ташқи бозорларнинг қулай муҳитини шакллантириш лозим.

2. Деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Кейинги йилларда деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Уларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний белгиланди ва шу орқали улар пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий суғурта дастурларида иштирок эта бошлади. Фикримизча, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги уч йўналишида давлат кўмаги зарур:

-деҳқон хўжаликларини ривожланишини таъминловчи ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

- деҳқон хўжаликларини ресурслар ва техника воситалари билан таъминлаш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш бўйича молиявий кўмак кўрсатиш;

-маҳаллий ҳокимият органларининг деҳқон хўжаликларини ривожланишига кўмагини кучайтириш.

Норин туманида деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари фермер хўжаликлари ерларига нисбатан кам, бироқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми улар ҳиссасига тўғри келади (2009 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмида

¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

деҳқон хўжаликларининг улуши 58,6 % ни ташкил этди). Деҳқон хўжаликлари полиз маҳсулотлари, картошка, мева-сабзавотларнинг катта қисмини, чорва маҳсулотларининг эса деярли барчасини етиштирадilar. Деҳқон хўжаликлари юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ҳам ишлаб чиқаради, шу жиҳатдан ҳам уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ошириш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун:

- ердан тўлиқ фойдаланмаётган хўжаликларнинг ерларига солиқ солишни ўрганиш; бунда хўжалик фойдаланилмаётган ердан воз кечади ва бўш ер эса деҳқон хўжаликларига берилиш мумкин;

- Республика ва маҳаллий ҳокимият органлари деҳқон хўжаликларига селекция ишлари, ветеринария хизмати кўрсатиш, маркетинг ва маҳсулотларни сақлаш (бир хўжаликда самара бермайдиган соҳалар) бўйича деҳқон хўжаликларининг, қолаверса йирик фермер хўжаликлар билан ҳамкорлигини ташкил этишда ёрдам бериши мумкин;

- маҳаллий ҳокимият органларининг маҳсулдор ва зотдор чорва молларининг наслини яхшилашни такомиллаштиришдаги ёрдамлари ва бошқаларни амалга ошириш зарур бўлади.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш қишлоқда меҳнат даромадлигини шаҳардаги даражага яқинлаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш ҳисобига ички талабни кучайтириш ҳамда саноатни хом-ашё билан таъминлаш имконини беради.

Ҳозирда деҳқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва даромадларини ошириш биринчидан, қўшимча ер ажратилиши, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат томонидан белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаши ва учинчидан, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорларда эркин сотиш ва экспортга чиқариш ҳамда қайта ишлашда деҳқон учун зарурий шароитлар яратилиши каби устивор вазифаларни амалда ҳал этилиши билан боғлиқ.

Деҳқон хўжаликларининг истиқболдаги ривожланиши ва даромадларини оширишнинг икки йўналиши мавжуд бўлиб, биринчиси, уларнинг ихтиёридаги ер майдонларини кенгайтириш, иккинчиси эса улар етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш механизмларини такомиллаштиришдир. Биринчи йўл деҳқон хўжаликларини экстенсив ривожлантириш йўли бўлиб, уни ортиқча харажатларсиз меъёрий тартибга солиш орқали амалга оширилиши мумкин. Иккинчи йўналиш эса интенсив йўл ҳисобланади ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлашнинг комплекс чора-тадбирларини амалга оширишни тақозо этади. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири деҳқон хўжаликларининг салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлиб, биринчи йўналишда уларнинг ер майдони ошса, иккинчи йўналишда тадбиркорлик борасидаги салоҳияти ошади. Ер майдонининг чекланганлиги шароитида иқтисодий тежамкорлик нуқтаи-назаридан иккинчи йўналиш самарасизроқ бўлишига қарамай, айнан ушбу йўналиш деҳқон хўжаликларининг бугунги кундаги ривожланиш тенденцияларига мос келади.

Биринчи йўналишни амалга оширишда ердан фойдаланиш бўйича муносабатларини шакллантиришда қуйидаги тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун ер беришда устувор равишда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилинишига эътибор қаратиш;

- ер ажратишда деҳқоннинг аввалги фаолияти, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича билим ва тажрибасининг етарли эканлигини ҳисобга олиш;

- ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг барқарорлигини таъминлаш, уни бир субъектдан асоссиз равишда бошқа субъектга ўтиш ҳолатларига йўл қўймаслик.

Иккинчи йўналиш деҳқон хўжаликлари учун зарур, талаб даражасидаги инфратузилмани шакллантириш, уларнинг фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат кўмагини тақозо этади.

3. Туман қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш. Бу орқали меҳнат заҳираларини ҳудудларнинг хусусиятлари бўйича бандлигини таъминлаш, ер ва сув заҳираларидан тўғри фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, лалмикор ҳудудларда тармоқ имкониятларидан интенсив фойдаланишга эришиш мумкин. Бунинг учун:

- сув сарфи бўйича интенсив технологияларни жорий қилиш;
- кам сув талаб қиладиган тармоқлар, масалан, чорвачилик, лалмикор ғаллачилик, боғдорчилик тармоқларини ривожлантиришни такомиллаштириш;
- тупроқни эрозиялардан ҳимоя қилиш, ер нурашига қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш;
- ирригация ва мелиорация тизимини мустаҳкамлаш (бу 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурини амалда бажариш билан боғлиқ, 2009 йилда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида Республика бўйича 24 минг га дан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, бунинг учун 13 млрд. сўм маблағ йўналтирилган);

4. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, минтақавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бозорларини шакллантириш. Бунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг минтақавий ишлаб чиқариш омилларига кўра энг самарали бўлган ҳудудларда жамланишига эришилади. Бунинг учун давлат шартномавий мажбуриятларини нарх белгилаш ва тақсимлашда бозор тамойилларига кўра амалга ошириш, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар берилишини бозор механизмлари орқали жорий қилиш ва шартномалар тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали оқилона бандликни ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодиётни жадал ривожлантиришни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда долзарб аҳамиятга эгадир.

3-боб: Қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқарилишининг истиқболли йўналишларини кенгайтириш йўллари

3.1. Қишлоқ жойларида хусусий бизнесни бошқариш ва уни такомиллаштириш учун мавжуд шарт-шароитлардан фойдаланиш

Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш инфраструктурасини устувор ривожлантириш амалга оширилади. Бунда асосий эътибор мелиорация, гидротехника, электр энергияси иншоотлари ва тармоқларини ривожлантиришга, ерларни суғоришга, эрозияга қарши тадбирларни амалга оширишга, кўп йиллик кўчатлар экиш, саноатнинг қайта ишловчи корхоналарини қуриш ва техника билан қайта ускуналашга қаратилади. Қишлоқ жойларда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфраструктураси объектлари, водопроводлар, канализация тизими ва иншоотлари, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар, телекоммуникация тизимлари устувор қўрилади. Қишлоқда ишлаб чиқариш инфраструктурасини шакллантириш давлат дастури ва маҳаллий дастурларга мувофиқ амалга оширилади.

Қишлоқда бозор инфраструктурасини ташкил этиш ва уни жадал яратиш жараёнларини бошқариш, уни жаҳон иқтисодиёти талабларига мослаштириш мақсадида республика вилоятларида бозор қайта ўзгартиришларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлашга, бозор инфраструктурасини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантиришга, республика ички ва ташқи иқтисодий хўжалик алоқаларини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга даъват этилган Тадбиркорлик департаментлари ташкил этилади.

Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)нинг хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кредитлар бериш, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлашни, уларнинг устав сармояларида иштирок этишни, маслаҳат ва ахборот хизматлари шаклида техник ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи ҳудудий тармоқлари ривожланади. Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилиш бўйича ҳудудий агентликлар ташкил этилади. Бу агентликлар тадбиркорлик таваккалчиликларини имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилган, тўланмаган қарзлар учун қарздорларнинг жавобгарлигини суғурта қилган, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилаётган чет эл инвестициялари суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаган ҳолда кичик ва хусусий корхоналарнинг кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар олишлари учун инвестиция лойиҳаларини баҳолайдилар ва экспертизадан ўтказадилар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бошқа фондлар, суғурта муассасалари ташкил этилади.

Республика минтақаларида давлат органларида тадбиркорлик тузилмалари манфаатларини ифодаладиган, бозор конъюнктурасини ўрганишда, ахборот-таҳлилий материалларни тайерлаш ва тарқатишда, корхоналарни рўйхатга олишда, янгидан ташкил этилаётган корхоналар таъсис ҳужжатларини тайёрлашда, юридик ва техник маслаҳатлар беришда қўмаклашадиган "Савдо-саноат палатаси" ташкил этилди.

Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий корхоналарга ресурс таъминотида, маҳсулотни сотишда ва транспорт хизмати кўрсатишда ёрдам берадиган, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга оширадиган, аҳолига коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган, жамоа, деҳқон хўжаликлари аъзолари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларини ўқитадиган, ахборот таъминоти ва юридик маслаҳат хизматларини кўрсатадиган Бизнес марказлар ташкил этилмоқда.

Хусусий қўйилмаларга асосланган, илғор технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун бутловчи буюмларни сотиб олиш учун маблағларни биринчи навбатда мақсадли айирбошлаш ҳуқуқига эга бўлган

агроинвестиция фирмалари ташкил этилмоқда, контрактлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги органларида рухсат берувчи тартибларсиз рўйхатдан ўтказилмоқда. Фаолият турлари бўйича майда ишлаб чиқарувчиларнинг уюшмаларини ташкил этишга ёрдам берилмоқда, бу уюшмалар ўз манфаатларини жамоа йўли билан ҳимоя қилиши, хўжалик юриштирининг илғор усулларини ейтиши лозим.

Кредит муассасаларини ривожлантириш, ихтисослашган тижорат банклари тармоғини, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун хорижий сармоя иштирок этган тижорат банклари тармоғини кенгайтириш давом этмоқда. Савдо уйлари, инвестиция компаниялари, инвестиция воситачилари, фонд дўконлари, клиринг ва агентлик тармоқлари фаолияти кенгайтирилмоқда. Кичик ва хусусий корхоналарни ахборот билан таъминлашда, бозор конъюнктурасини ўрганаётган, бозор имкониятларига ахборот хизмати кўрсатишни таклиф этаётган хусусий корхоналар ишида, тармоқлараро маълумотлар банкни яратишда ёрдам берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосили нобудгарчилигига йўл қўймаслик, унинг тўсиқсиз қабул қилиниши, сақланиши ва кейинчалик истеъмол тармоғида таҳсимланишини таъминлаш мақсадида кичик ва хусусий улгуржи-воситачилик тузилмалари, ихтисослашган бозорлар, улгуржи дўконлар, базалар, сақлаш жойлари, омборхоналар жадаллик билан ривожлантирилмоқда. Деҳкон (фермер) хўжаликларини қишлоқ хўжалиги экинларининг юкори нав уруғлари ва экиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаш учун қишлоқ жойларда уруғ етиштирадиган ҳамда уларни сотадиган уруғчилик корхоналари ташкил этилмоқда. қишлоқдаги тадбиркорларга тузатиш-тиклаш, агрокимё, зооветеринария ва хизматларнинг бошқа турларини кўрсатадиган агросервис корхоналари ташкил этилмоқда.

Давлат миграция жараёнларини қишлоқ фойдасига ўзгартиришга демография сиёсати ўтказилишини, оилани ҳар томонлама ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилишини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни таъминлаш ва уни рағбатлантириш йўли билан ақолини иш билан таъминлашни амалга оширади. Ақолининг қишлоқда қонашиб қолиш жараёнини рағбатлантириш ва уни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ишга жалб қилиш мақсадида қишлоқ жойларда шаҳарга нисбатан (ақоли жон боши ҳисобига) турар жой, таълим, маданият ва спорт, соғлиқни сақлаш объектларини қуришда, газлаштириш, сув ва электр таъминотида, телефонлаштиришда, алоқада, коммунал объектларни қуришда, радио ва телевидение хизматларида афзалликлар яратиш назарда тутилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида ижтимоий соҳани ривожлантиришга инвестициялар улушини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ижтимоий соҳа объектларини ақоли эктиёжларини қондириш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш йўли билан ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни барпо этиш, қишлоқда аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ ақолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича кенг чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишдир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқларида қишлоқ ақолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислохотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қаралмоғи кераклигини уқтириш билан бирга, халқимизнинг туб манфаатлари ҳимояси одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам беришини алоҳида

таъкидлаганди. Жумладан: "Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни "дайди" бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислохотларни тезлаштириш имконини беради", деган эдилар.

Сўнгги йилларда республикада қишлоқларида аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 2-2,5 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типидagi посёлкалардаги иқтисодийнинг ишчи кучи ортқча бўлган айрим тармоқларда бугун яширин ишсизлик (корхоналарда мажбурий таътилдагилар) мавжудлиги сир эмас.

Президентимиз ташаббуси ва ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичиданоқ ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик асосий вазифалардан бири қилиб қўйилганди. Бунга муайян даражада муваффақ бўлинди.

Республикада дастлаб 240 дан ортқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди. Ҳар бир туманда ана шундай биржа вужудга келди. Ишсизларни рўйхатга олиш ва уларнинг касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими йўлга қўйилди. Натижада, расман рўйхатга олинган ишсизлар меҳнат ресурсларининг қутилганидан ҳам анча фоиз камроғини ташкил этди. Бу республикада шароитида ислохотлар биринчи босқичининг ижобий натижаси эди...

Аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини авж олдириш, уларга ортқча ишчи кучларини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар барпо этиш бугун ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Негаки, сўнгги йилларда мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй бериб, айниқса, ўтиш даври ларзалари таъсирида кам таъминланган, даромади паст оилалар қийналиб қолгани устига, аниқроғи, айрим оилаларнинг аъзолари ишсиз қолгани ва боз устига маълумоти ҳамда касби йўқ кишилар ўта қийналиб қолганликлари сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон тажрибасига кўра ҳам қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш бу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли эканлиги эндиликда барчага маълум. Давлатимиз раҳбари ўзининг "Қишлоқ истикболи юрт истикболи" асарида¹ даъват билан айтдиларки: "Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шунини тушуниб етиши керакки, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар ҳузурига қишлоққа олиб бориш керак! Бунда 20,6 миллион доллар турадиган гигант фабрикалар эмас, балки ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар қуришга аҳамият бериш лозим".

Хуллас, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келиш, хусусан, маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштириш маҳаллий ҳокимиятлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли хил мулк эгалари олдига асосий вазифа қилиб қўйилгани тасодиқий эмас.

Бугунгача хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туманлар марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уларни посёлкалар, қишлоқлар, ҳаттоки энг олис овулларда ҳам ташкил этиш эҳтиёжи зарурати тобора ортмоқда. Зеро, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганлигини, жамиятнинг ривожланаётганлигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

3.2. Қишлоқ жойларида кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш механизмини такомиллаштириш

Бугунги кунда қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун молиявий муаммолар йўқ эмас. Кичик корхона фаолиятини ташкил

¹ Қаранг: Каримов И.А. асарлари тўплами, 3-том, –Т.: 1996. 119-бет.

этишда албатта энг аввало, молиявий муаммоларни ҳал этиш жуда зарур. Аксарият кичик бизнес корхоналарида капитал маблағлари чекланган бўлиб, уларнинг имкониятлари тор доирада бўлиб қолади. Шу мақсадда бундай корхоналарга инвестиция киритиш зарурияти пайдо бўлади.

Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган. Улар Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти имкониятлари тартибини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда, Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 мартдаги 55-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Қарорида акс этган.

Шунингдек, бир қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, республикада чет эл инвесторларининг фаолияти учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратилди, республикада ишлаб топилган фойдани чет эл валютасига алмаштириш ва хорижга ўтказишни асослаш бўйича валютани тартибга солиш тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштириш, ажнабий фуқароларнинг уй-жой фонди, объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга мулк қилиб олиш имкониятларини яхшилаш, Тошкент, Самарканд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда меҳмонхона ва саёҳлик бизнеси соҳаларида эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этиш амалда жорий этилди.

Инвестиция фаолияти ҳар қандай тизимда ҳам мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганлик даражасини ифода этади. Иқтисодиётни инвестициялашга жалб этилаётган маблағлар, хусусан, хорижий капиталининг салмоғига қараб мамлакатнинг иқтисодий қудратига баҳо бериш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан аграр тармокни кенг тарзда тўғридан-тўғри инвестициялаш масаласи 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш, мулк ва хўжалик юритиш шакллариининг тенг ҳуқуқли шароитда фаолият юритишини таъминлаш орқали мулкдорлар синфини шакллантириш масаласи тармокда ислохотларни жадаллаштиришни талаб этади. Бу эса тармокда, шунингдек инвестиция фаолиятини ҳам ривожлантириш орқали молиявий барқарорликка эришиш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабдан қишлоқ хўжалигининг истиқболли тараққиётини таъминлаш ва бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос аҳамиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг инвестиция фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришдан иборат. Деҳқон ва фермер хўжаликларини узоқ муддатли молиялаштиришда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги махсус Жамғарма маблағлари ҳисобидан фойдаланишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур муаммонинг амалий ҳал этилишини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

а) Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришни ихчамлаштириш ва соддалаштириш мақсадида Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳузуридаги махсус Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган ҳар бир вилоятда алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;

б) Уюшма Жамғарма ҳисобидан бериладиган кредитларнинг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимотини амалга ошириши ва фермер хўжаликларига бериладиган кредитлар муддатини 3 йилдан 5 йилгача узайтириш;

в) Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан мазкур хўжаликлар ўртасида "Энг яхши бизнес-режа" мавзусидаги танловнинг ҳар йили ўтказилишини

ташкил этиш орқали унинг ғолибларини ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида аниқлаш ва бу тадбир кўламини кенгайтириш ҳамда савиясини ошириб борган ҳолда танлов ғолибларини ҳар бир туман миқёсида аниқлаш ва уларга имтиёзли шартларда, гаров ёки суғурта таъминотисиз узоқ муддатли кредитлар бериш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари, асосан давлат Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётганлиги ва бевосита хусусий инвесторларни жалб қилишга эътибор қаратилмаётганлиги ҳам мазкур йўналишдаги илмий ечимларни кучайтириш талаб этилади.

Бунда давлат Инвестиция дастурига асосан хорижий инвестиция ва кредитлар ҳамда давлатнинг марказлашган инвестициялари қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, ирригация ишларини яхшилаш, айрим ҳудудлардаги сув хўжалиги тизимидаги муаммоларни бартараф этишга ва шу қабиларга йўналтирилаётганлиги, аммо хорижий инвестициялар фермер ва бошқа хўжаликлар ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилишини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш каби мақсадлар учун жалб қилишга, фермер хўжаликлари билан қўшма корхоналар шаклида тузилган субъектлар фаолиятини ривожлантиришга нисбатан паст эътибор қаратилаётганлигини кўриш мумкин.

Агар иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишга давлатнинг иқтисодий кўмагини такомиллаштириш ва шарт-шароитлар яратиш борасида муайян тадбирлар амалиётга жорий қилинаётган бир даврда қишлоқ хўжалиги тармоғининг назардан четда қолиши капитал сиғими қониқарсиз даражали тармоқ иқтисодиёт ривожланишига кескин таъсир этади.

Шунга асосланиб:

- қишлоқ хўжалигига хорижий инвестициялар ва кредитларнинг ҳамда давлат бюджетидан сарфланаётган марказлаштирилган инвестицияларнинг тармоққа қаратилган йўналишларини қишлоқ хўжалиги корхоналарининг инвестиция фаолиятини амалга оширишда тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш лозим;

- ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятининг ривожланишини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш зарур.

Қишлоқ жойларидаги кичик бизнес корхоналари фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этишнинг устивор соҳаларига қуйидагилар қиради:

- агросаноат мажмуасини ривожлантириш, бу эса пировардида аҳолини меъёридаги турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;

- саноатнинг устивор соҳаларини, ёқилғи-энергетика мажмуини жадал ривожлантириш, халқ хўжалигининг илм-фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш, республиканинг импортга қарамлигини камайтириш;

- экспорт салоҳиятини кучайтириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини кўтариш, экспортда машинасозлик техника маҳсулотлари, тайёр маҳсулотлар хиссасини ва ҳажмини кўпайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги ҳунарманд ва анъанавий ҳунармандчиликни тиклаш;

Қўшма корхоналарнинг вужудга келиши ва ривожланиши Ўзбекистон Республикасида бозор мунособатларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Режали иқтисодиёт даврида қўшма корхоналарнинг вужудга келишига бутунлай имконият йўқ эди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон катта инвестицион имкониятларга, бой хом - ашё ва меҳнат ресурсларига эга.

Амалга оширилаётган барча ижобий жиҳатлар ва хусусиятлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарорлашуви ва ривожланиши даврида хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш борасида ечилмаган ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуддир. Бу масалалар хорижий

инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига ва мамлакат ҳудудларига жалб этиш ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган муаммолардир.

Кузатув натижаларига асосланиб айтишимиз мумкинки, қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш соҳаларида, асосан саноат тармоқларида амалга оширилмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бундай тармоқ таркиби республика иқтисодиётини устувор ривожлантириш талабларига етарли даражада жавоб бермайди.

Бозор мунособатлари шаклланаётган дастлабки йилларда бу тармоқларни устувор ривожлантириш республиканинг эркин рақобат шароитига кириб бориши ва жаҳон хўжалиги тизимида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда зарурий ҳолатлардан ҳисобланади. Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва роли катта. Лекин бу соҳада ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг салмоғи жуда кичик ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг ресурс салоҳиятини эътиборга оладиган бўлсак, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жадал ривожлантириш имконияти ниҳоятда каттадир.

3.3. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш асосида кичик бизнес фаолиятини кучайтириш имкониятлари

Республика аграр тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлашда қишлоқ хўжалигида ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш ва ўтиш даврида содир бўлган барча вазиятлардан чиқиш ва муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олганлиги энг муҳим омил ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқилганлиги ва 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги Давлат дастурининг амалга оширилиши, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ислох этиш, модернизация қилиш ва унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган аграр сиёсат барча ташқи таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда мустаҳкам восита бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, аграр тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам ресурслар базаси мавжудлиги ва ҳуқуқий, иқтисодий-ташкилий ҳамда институционал асослар яратилганини таъкидлаш жоиз. Авваламбор, мамлакатимиз аграр тармоғининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли сифатида фермер хўжаликларини устувор ривожлантирилиши, моддий-техник ва молиялаш таъминлаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилиб, уларни муваффақиятли фаолият кўрсатиши жаҳон молиявий инқирозининг қишлоқ хўжалигига салбий таъсирини олдини олиш ва юмшатишда кафолат ва асос бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги барқарор суръатлар билан ривожланди ва 2009 йилда 4,7 фоиз ўсишга эришилиб, – ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хомашёси тайёрланди”.

Шунингдек, озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришидан келиб чиққан ҳолда қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг кўламда фаолият

юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хом ашё базасини ташкил этишга устиворлик берилиши ва бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, авваламбор, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради.

Аграр ислохотларнинг ҳозирги босқичининг асосий вазифаси-ички бозорда истеъмолни ўсиши ва ташқи бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш ҳисобланади. Бу эса агрооziқ-овқат секторини иқтисодий ён билан тармоқлари билан комплекс ва мутоносиб ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш стратегияси билан қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни макроиқтисодий барқарорлик билан ўзаро боғлиқлигини таъминлашни тақоза этади.

Шу нуқтаи назардан ҳам қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг қуйидаги чора-тадбирларини амалга ошириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади:

- бозор нархлари конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тадбирларини жорий этиш, агротехнологик жараёнларни рационализациялаш ҳисобига маҳсулот таннархини арзонлаштириш;

- фермер хўжаликларида ходимлар томонидан маҳсулот таннархини камайтириш, унинг рақобатбардошлигини ҳамда ташқи ва ички бозорда сотиш ҳажмини оширишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш ;

- ишлаб чиқарилаётган ҳар бир турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича сарф-харажатларнинг лимити ва меъёрини қайта кўриб чиқиш;

- сувдан фойдаланувчилар уюшмалари самарали фаолият курсатишини таъминлашни ташкил этиш учун фермер хўжаликлари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар (истеъмолчилар) томонидан молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш ;

- зооветеринария ва сервис хизматларини яхшилаш бўйича яна қўшимча зооветпунктлар ташкил этиш ва кредит маблағлари ҳисобига уларни Дьюар идишлар, совутгич, акушер-гинекологик ва хирургик жиҳозлар ҳамда бошқа асбоб-анжомлар билан таъминлаш;

- сунъий уруғлантиришни кўпайтириш ва чорва молларини касалликларга қарши ўз вақтида эмлаш ҳисобига уларда чиқим салмоғи камайтирилишига эришиш;

- мавсум давомида маҳсулот етиштирувчилардан шартнома асосида сифатли маҳсулотларни қабул қилиш, уларни тозалаш, сархиллаш, қолиплаш ва ўз муддатларида экспортга жўнатиш ншларини ташкил қилиш;

Қишлоқ, хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун:

- аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан арзон нархларда ва узлуксиз равишда таъминлашни ташкил этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошида мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотлари. ва картошкани фермер хўжаликларидан мақбул нархларда сотиб оладиган, сақлайдиган, ташийдиган, ички истеъмол бозорларига реализация қиладиган, экспортини амалга оширадиган ҳамда молиялаштирадиган ихтисослашган корхоналар ташкил қилиш ва уларни етарли миқдордаги айланма маблағлар ҳамда зарур моддий-техника базаси билан таъминлашни ташкилий чоралари ишлаб чиқиш;

- бугунги кунда жаҳон миқёсида кузатилаётган озиқ-овқат муаммоси салбий оқибатларининг олдини олиш учун – қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни оптималлаштириш, илм-фан тавсияларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда ер майдонлари мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари бўйича 2009 йил ҳосили учун қишлоқ, хўжалик экинларини жойлаштириш ҳамда уларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

- республикадаги мавжуд барча тоифа хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтиришнинг ташкилий чораларини ишлаб чиқиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бир туманида енгил конструкцияли, альтернатив иссиқликдан фойдаланиш кўзда тутилган иссиқхоналар қуриш;

– сув танкислигининг етиштирилаётган ҳосилга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган техник-муҳандислик тадбирлари ва сув ресурсларининг тежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш;

– мавжуд қайта ишлаш корхоналари ва агрофирмалар томонидан сотиб олинadиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун бўнак маблағлари бериш ва кейин сотиб олинган маҳсулотлар учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш мақсадида узлуксиз нақд пул бериб боришнинг механизмини такомиллаштириш ва мунтазам мониторингини юритиш;

– сабзавот, полиз ва картошка экинларини фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа бўйича асосий, ёш боғ-узумзорлар оралиғига эрта ва ўрта муддатларда етиштирилиши бўйича такрорий майдонларга жойлаштириш;

– фермер хўжаликлари бўйича мева-сабзавот экинлари етиштириш учун уруғлик, кўчатлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитлар билан таъминлаш;

– деҳқон хўжаликлари томорқаларида экиладиган экинлар турлари ва майдонларини аниқлаш ҳамда уруғликка, кўчатларга, ёнилғи мойлаш маҳсулотларига ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш тизимини ривожлантириш;

– сабзавот-полиз экинлари картошканшг серхосил, касаллик ҳамда турли шароитларига бўлган янги навлари ва биринчи дурагайларини яратиш;

– чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларининг ер майдонларида давлат буюртмаси учун маҳсулот етиштириш бўйича пахта ва бошоқли дон экинлари жойлаштирилмаслиги, ҳисобига озуқа майдонлари кўпайиши ҳамда оралик ва такрорий экин майдонларини кўпайтирилиши ҳисобига озуқа бирлиги, гўшт ва сут ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

– ташкил этилган паррандачилик фермер хўжаликлари ва фабрикалари ер майдонларида озуқа экинлари етиштириш имконияти кенгайганлиги ҳисобига парранда гўшти ва тухум етиштириш ҳажмини кўпайтириш.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўриниб турибдики, кишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб бориш имкониятлари катта. Шу нуқтаи назардан олганда кишлоқ хўжалиги соҳасида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

– аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиш;

– кишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланишининг олдини олиш мақсадида ёпиқ ва очик зовурлар тозаланиб, дренаж тизими қайта таъмирлаш;

– сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни қўллаш;

– вилоятнинг иқлим ва тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда кишлоқ хўжалигини занжирли техникалар билан таъминланиши йўлга қўйиш;

– кишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экиш технологиясига изчил риоя этилишини таъминлаш, хусусан, пахта ва бедани алмашлаб экиш тизимини қайтадан жорий этиш орқали туманларда чорва мажмуалари вужудга келтириш;

– ўзаро шартнома муносабатларининг шартларига қатъий риоя этилишини назорат қилиш тизими вужудга келтириш;

– вилоят табиий-иқлим шароитларига мос экин навларини яратиш ва уларни ҳудудийлаштириш тизими яратиш;

– вилоят кишлоқ хўжалигига хорижий ва маҳаллий деҳқончилик ва чорвачиликнинг энг илғор тажриба ва усулларини олиб кириш рағбатлантириш;

– кишлоқ хўжалигида истиқболли ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

– кишлоқ хўжалиги мажмуини ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма объектлари вужудга келтириш;

– кишлоқ хўжалиги субъектларига агротехник ва агросервис хизматлар кўрсатувчи тузилмалар фаолияти такомиллаштириш

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш пировардида замонавий инновацион агротехнологияларни жорий қилиш орқали кишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Ўзбекистон халқининг энг қадимдан шуғулланиб келган асосий соҳалардан бири қишлоқ хўжалигидир. Республика ҳудудида аввало чорвачилик, кейинчалик деҳқончилик маданияти таркиб топди. Чорвачиликнинг асосан қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик, асаларичилик, туячилик ва ипакчилик, деҳқончиликнинг дончилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва пахтачилик тармоқлари яхши ривожланди. Қишлоқ хўжалиги Республикамиз ҳудудида яшайдиган халқларнинг асосий турмуш тарзига айланган. Унинг ривожига юртимиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ меҳнат қуроли ишлаб чиқаришнинг ўсишига сабаб бўлди. Натижада аста-секин бўлса-да, маданият, илм-фан, хунармандчилик ривож топди.

Мустақилликка эришилгандан кейин қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари даражасида ривожлантириш учун тармоқда эркин фаолият кўрсатиш имкониятлари пайдо бўлди. Турли мулкчилик шакллари ривожланди. Уларга асосланган тадбиркорлик турлари ва улар ўртасидаги эркин бозор муносабатлари шаклланиб борди. Шу тариқа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланди.

Энг муҳими ушбу сектор қишлоқ жойларида тез ривожланиб бормоқда. Чунки ҳукумат қарорларида ва қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қишлоқ жойларидаги тадбиркорликни ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Норин туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши бугунги кунда янги босқичларга кўтарилиб бормоқда. Айниқса модернизация шароитида ушбу туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, фан-техника ютуқларини, янги техникаларни, илғор технологияларни кичик ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларида салмоқли ишлар амалга оширилди десак, бўлади.

Хусусан, кичик бизнес фаолиятини юритишда, чекланган ер ва сув ресурсларидан, доимий ва ўзгарувчи капиталдан ҳамда меҳнат ресурсларидан қисқа ва узоқ муддатларда тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари аниқ белгилаш, барча харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш негизида фойда суммасини кўпайтириш йўллари асосланган ҳолда белгилаб олиш чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу масалаларнинг амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос, халқимизнинг миллий хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Бироқ Норин туманидаги кичик бизнес субъектлари фаолияти таҳлил асосида ўрганилганда, бир қатор муаммолар ҳам борлиги маълум бўлди. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг банкротга учраш ҳолатлари бошқа тармоқлардагига нисбатан кўп.

- тумандаги айниқса кичик ишлаб чиқариш корхоналарида электр энергия билан таъминланиш масалаларида жиддий муаммолар бор. Бу каби кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш узлуксизлиги таъминланмаяпти. Электр токининг вақти-вақти билан узулишлари бунинг учун бош омилга айланмоқда.

- энг замонавий тармоқларда кичик тадбиркорлик субъектлари миқдор жиҳатдан кам ташкил этилган. Айниқса ахборот технологиялари, моддий-техника таъминоти, фан, молия, бошқарув, тайёрлов каби тармоқлари жуда суст ривожланмоқда.

- туман бошқарув идораларида ишлаётган айрим раҳбар ва маъмурий ходимлар онгида эскича бошқариш элементлари сақланиб қолган. Бу ўз навбатида тадбиркорларни туман миқёсидаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тадбиркорларнинг фаолиятини ташкил этишда ўзига хос қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

- хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти суст ишламоқда. кўрсатилиши керак бўлган хизматларда бюрократик элементлар мавжуд.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Норин туманида кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқарилишини кучайтириш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- кичик тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқариш соҳаларида кучайтириш мақсадида қабул қилинган меъёрий асосларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбиркорлар учун кенг имтиёзлар яратиш;

- ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес корхоналарида узлуксиз жараёни ташкил этиш мақсадида электр энергия билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш;

- туман иқтисодиётининг замонавий тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини ошириш мақсадида солиқ, банк ва суғурта тизимидаги чора-тадбирларни кучайтириш;

- давлат томонидан амалга ошириладиган қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини устувор тармоқларга, яъни тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишга йўналтириш зарур.

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини ҳимоялашда юридик ташкилотлар фаоллигини ошириш;

- туманда кичик бизнес субъектларини суғурталаш тизимидаги муаммоларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир;

- йирик корхоналар билан кичик бизнес вакиллари ўртасида кооперация муносабатларини самарали ташкил этиш;

Юқоридаги ишлаб чиқилган таклифлар Норин туманидаги кичик бизнес субъектларини янада фаоллашувига олиб келиши мумкин. Қишлоқ жойларида кичик бизнес субъектларининг микдор жиҳатидан кўпайишига шарт-шароитларнинг яратилиши маҳаллий аҳоли таркибидаги меҳнат ресурсларини банд этилишига олиб келади.

Биз ишлаб чиққан таклифлар туман иқтисодиёти таркибидаги кичик бизнес субъектларини ривожланиши учун муҳим омилга айланиши мумкин. Бунинг учун маҳаллий бошқарув раҳбарлари ва кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларини бозор муҳитига мос олиб боришлари талаб этилади.

Хулоса шуки, Норин туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Бу имкониятлардан унумли фойдаланишни билиш керак. Шундагина туман иқтисодиётининг турли соҳаларида кичик бизнес субъектларининг фаол ҳаракатини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида Норин туманининг иқтисодиётини барқарорлашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: -Ўзбекистон, -2014. –76 б.
2. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 30.04.1998 й. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат, -1999. -77-97 б.
3. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. -Т.: -Адолат. -1999. -98-115 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат. -1999. -98-115 б.
5. «Дехқон хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. -Т.: -Адолат. -1999. -117 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июль, 363-сон «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
7. «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1997 йил. март.
8. «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3342 сонли фармони. 2003 йил 27 октябр, Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами. -2003. -№ 20.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3709-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-255-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.

2. Президент асарлари ва маърузалари

13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
14. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: Т. 19. Ўзбекистон, 2011.
15. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
16. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

18. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.
19. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

3. Илмий адабиётлар ва манбалар

20. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. –Т.: Меҳнат, 1997. 297 б.
21. Анимица Е.Г., Ротнер Н.М. Всемирное хозяйство: закономерности формирования и развития: курс лекций, Екатеринбург, 1994. 153 б.
22. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. Монография. –Т.: Фан, 2012. –272 б.
23. Аҳмедов О. Мева шарбатлари ишлаб чиқариш истиқболи. // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –2011. –№11. –Б.14-19.
24. Дадобоев.Т., Рахматуллаев Б. Боғдорчиликда агрофирмалар фаолияти. // Ж. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. –2014. –№ 8. –Б.
25. Йўлдашев А. Кичик ва хусусий бизнес истиқболи. // Ҳамкор. №20. 23 октябрь 2003.
26. Зобелин А.М. Проблемы рационального использования объектов хранения плодоовощной продукции. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1995. №12. 15-16 б.
27. Отобоев М., Эшонкулов А. Ўзбекистоннинг мева-сабзавот комплекси. Муаммо, тажриба ва ечимлар. –Т.: -Меҳнат. –1999. –14-15 б.
28. Коваленко Ю. Предпосылки и пути перехода предприятий АПК к рыночным отношениям. // АПК: экономика и управление, 1990. №9. 40-46 б.
29. Лапуста М, Старостин Ю. Малое предпринимательство: Учебник. 2-е изд., перераб. и допол. –М.: Инфра-М, 2005. -319 с.
30. Макконнелл К. Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2-томах. Пер. с англ. –Таллин. 2000.
31. Пошкус Б. Сельскохозяйственная кооперация в условиях многоукладной экономики АПК. // АПК: Экономика и управление, 2006. №8. 22-24 б.
32. Рахмонов Ҳ. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. –Т.: Фан, 2008. -184 б.
33. Селезнев А., Уваров В. Сельскохозяйственная кооперация //АПК: Экономика и управление. 1996. №8.
34. Собиров.М. Томорқа боғдорчилиги. –Т.: -Меҳнат. –2001.-7-9 б.
35. Султонов.Б., Дадобоев.Т. Маҳсулотларни сотиш тизими. // Ж. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – 2006. -№9. –Б. 11.
36. Усенко Л.Н., Заколотная Л.И. Перспективы развития плодоовощекансервного подкомплекса Ростовской области. // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 1999. №12. 7-9 б.
37. Фролов В.И. Новая модель интеграции в действии. Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2009. №1. 46-48 б.
38. Хусанов Р.Х. Аграрная реформа: теория, практика, проблема. –Т.: Узбекистан, 2004 - 72 б.

4. Статистик манбалар ва маълумотлар

39. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. // Қисқача статистик тўпл. –Т.: 2014.

40. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.
41. Норин тумани статистика бошқармаси маълумотлари.

5. Интернетдан олинган материаллар

42. www.stat.uz. // Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
43. www.ceer.uz. // Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
44. <http://referat.ru> // Экономическая эффективность в условиях ограниченности ресурсов.
45. <http://referat.ru> // Экономическая эффективность использования земельных угодий в ОГУСП «Пригодный».